

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ
6 ЖИЛД, 9 СОН**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ
ТОМ 6, НОМЕР 9**

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH
VOLUME 6, ISSUE 9**



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
д.ю.н., доцент
(Doctor of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала Правовых исследований
Editorial Board Journal of Law research

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
ю. ф. д., проф. Аҳмедшаева Мавлюда
ю. ф. д., проф. Муҳиддинова Фирюза
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto (Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчехра Маликова
ю. ф. д. Хусанов Озод
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee (South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юримдик фанлар доктори, профессор
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Окюлов Омонбой,
Рузиев Рустам, Рузиназаров Шухрат,
Шомухамедова Замира, Баратов
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юримдик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Эсанова Замира
Нормуродовна, Мамасидиков Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Мехнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб
(Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич
(Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,
ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская
Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи /
Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право /
Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Джансараева Рима Ернатовна (Республика
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси /
Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal
procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий
Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин,
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,
ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),
д.ю.н., проф. Стойко Николай Генадьевич
(Российская Федерация), Проф. Рыжаков
Александр Петрович (Российская Федерация),
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика
Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика
Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика
Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир,
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,
ю.ф.д., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

Мусаҳҳих: Нурмуҳаммад Ҳамидов

Дазайн - саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Кудрявцев Игорь Владимирович ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПАРТНЕРСТВА МЕЖДУ ГОСУДАРСТВАМИ.....	5
2. Абдуллаева Мафтуна Мурот қизи КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ТОМОНИДАН ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	16
3. Исломқулова Шохсанам Ваҳобжон қизи ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ. ФУҚАРОЛИК ВА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ФАРҚЛАРИ.....	25
4. Хаджаева Саодат Анваровна ЭЛЕКТРОН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	33
5. Шокиров Ойбек Азизжон угли ТРУДОВЫЕ СПОРЫ И ПОРЯДОК ИХ РАЗРЕШЕНИЯ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ.....	41
6. Abdusamiyeva Dilrobo Abduvaxob qizi POSTPENITENSIAR RESOTSIALIZATSIYA MAZMUNI VA UNING IJTIMOIIY ZARURATI.....	50
7. Отегенова Луиза Жолдасбаевна ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	57
8. Базарова Дилдора Бахадировна ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ.....	65
9. Джураева Захро Тулкуновна ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 76-ЧИ СЕССИЯДАГИ ТАШАББУСЛАРИ.....	73
10. Камиллов Ойбек Хамиджонович ГЛОБАЛЬНЫЕ И РЕГИОНАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБЛАСТИ МИГРАЦИИ, ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ И ИХ ЗНАЧЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ СЕГМЕНТЕ.....	80
11. Хамдамова Фируза Уразалиевна, Джураева Захро Тулкуновна ВЫПОЛНЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ИСКОРЕНЕНИЮ БЕДНОСТИ И НИЩЕТЫ.....	89
12. Nosirov Barxayot Murodjonovich ShNT – XALAQARO – HUKUMATLARARO MINTAQAVIY TASHKILOT SIFATIDA: MARKAZIY OSIYODA XAVFSIZLIKNI TA’MINLASHDAGI ROLI.....	96

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

Отегенова Луиза Жолдасбаевна,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби мустақил изланувчиси
E-mail: Luiza_0077@mail.ru

ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ

For citation: Otegenova Luiza Joldasbaevna. THE CONCEPT AND GENERAL DESCRIPTION OF THE CIRCUMSTANCES THAT EXCLUDE THE CRIMINALITY OF THE ACT. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 9, pp. 57-64

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2021-9-7>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчаси ва умумий тавсифига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган. Ушбу мақолада қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг қонунда белгиланиши учун уларнинг муайян белгиларга эга бўлиши лозимлиги шарт деб белгиланган бўлиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг барчаси учун бу тушунча умумий саналаиши ва ғайриқонуний бўлмаслиги; ижтимоий хавfli бўлмаслиги; қилмишда шахснинг айби бўлмаслиги кераклигига доир масалалар ҳам таҳлил этилган.

Калит сўзлари: қилмишнинг жиноийлиги, истисно, ҳолат, жиноят, жазо, жавобгарлик, ғайриқонуний, айб, ижтимоий, муносабат.

Отегенова Луиза Жолдасбаевна,
Независимый соискатель Высшей школы судей
при Верховном Совете судей Республики Узбекистан
E-mail: Luiza_0077@mail.ru

ПОНЯТИЕ И ОБЩЕЕ ОПИСАНИЕ ОБСТОЯТЕЛЬСТВ, ИСКЛЮЧАЮЩИХ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье обсуждается понятие и общее описание обстоятельств, исключающих преступность деяния. Также были внесены предложения и рекомендации по улучшению обстоятельств, исключающих преступность деяния. В этой статье указывается, что для установления законом случаев, исключающих преступность деяния, они должны иметь определенные характеристики, а для всех случаев, исключающих преступность деяния, это понятие является общим и не является незаконным; не быть социально опасным; Также были

проанализированы вопросы о том, что лицо не должно быть виновным в совершении преступления.

Ключевые слова: преступность деяния, исключение, статус, преступление, наказание, ответственность, противоправность, вина, социальное, отношение. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчаси ва умумий тавсифи

Otegenova Luiza Joldasbaevna,

An independent researcher at the Higher School of Judges
under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan
E-mail: Luiza_0077@mail.ru

THE CONCEPT AND GENERAL DESCRIPTION OF THE CIRCUMSTANCES THAT EXCLUDE THE CRIMINALITY OF THE ACT

ANNOTATION

This article discusses the concept and general description of the circumstances that exclude the criminality of the act. Suggestions and recommendations were also made to improve the circumstances that exclude the criminality of the act. This article stipulates that in order for cases excluding the criminality of an act to be established by law, they must have certain characteristics, and for all cases excluding the criminality of an act, this concept is general and not illegal; not to be socially dangerous; issues that the person should not be at fault in the act were also analyzed.

Keywords: criminality of the act, exception, status, crime, punishment, liability, illegality, guilt, social, attitude.

Республикамизда содир қилинаётган жиноятларнинг олдини олишга доир ўзига хос миллий тизим ва норматив-ҳуқуқий асослар яратилиб, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилганлиги натижасида давлат ва жамиятни турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардан муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, “жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар виқтимлигининг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш”[1] суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ қилиш қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларда содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашда жабрланувчи, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилаётган шахснинг хулқ-атворини, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш сабаб ва мақсадларини эътиборга олиш ва ушбу жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш ва уни тадқиқ этишнинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчаси дастлаб айнан бу номда шаклланган бўлмаса-да, унинг мазмуни диний ва дунёвий манбааларда тилга олинган. Ушбу ҳолатларнинг тарихини қонунчилигимизнинг асоси саналган шариат аҳкомлари орқари ёритадиган бўлсак, шариат қонунининг асосчиси саналган Бурхонуддин Марғиноийнинг “Ҳидоя” асарида[2] хусусан унинг тўртинчи бўлими қонунчилик, жиноий қилмишлар масаласига бағишланган бўлиб, шариат қоидаларига зид равишда содир қилинган ножужа ҳаракат(ижтимоий хавфли қилмиш) шахснинг тасодифан ёки бирор мажбурият юзасидан содир қилинган, бундан жамиятдаги кишилар зарар кўрган бўлса, бироқ унинг оқибати кўп миқдордаги зарарни ташкил қилмаса, ҳамда бошқалар учун фойдали бўлиши мумкин деб ҳисобланса, жазоланмаслиги ва унинг гуноҳидан кечиб юборилиши ёзилган. Хусусан, киши бошқа бировнинг мулкни ўғирлагани учун ўғирланган мулкнинг қийматига қараб 30, 50, 100, 300 дарра урилган ёки, унинг бармоқлари кесиб ташланиши керак бўлган, бироқ бировнинг боғидан 1 ёки 2 дона олма ўғирлашга нисбатан бундай жазо белгиланмаган ва бундай ҳолда

ўғирлик жиноятини содир қилишга сабаб бўлувчи омилар инобатга олинган (ушбу ҳолатни мазмунан кам аҳамиятли қилмишларга мисол деб қарашимиз мумкин).

Бундан ташқари, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар хусусида назарий жиҳатдан сўз юритадиган бўлсак, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар ўз номидан содир қилинганлиги учун жиноят деб топилмасдан, жазо ва жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатларга айтилиб, юридик адабиётларда қандай қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига кириши кераклиги ҳақида олимлар турли-туман фикрларни билдирганлар.

Кўпгина муаллифлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчасини тавсифлар эканлар, бу инсон хулқ-атвори билан боғлиқ ҳаракатлар эканлигини таъкидлайдилар. Бунда мазкур қилмишлар ўз асосларига эга бўлиши шартлиги қайд этилади. Масалан, жиноий тажовуз, қонун билан қўриқланаётган неъматларга зиён етказилиши хавфи, ушлаш вақтида зарар етказишга эса ушланаётган шахснинг қарши ҳаракати асос бўлади. Яъни, айнан қонуний хатти-ҳаракатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб ҳисобланиши лозимлиги таъкидланади.

Аммо бу тавсиф бир ёқлама бўлиб, ҳолатнинг мазмунини тўлиқ ёритмайди. Шунинг эътиборга олиб, кўпгина муаллифлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларга тўлақонли тавсиф беришга ҳаракат қилганлар.

Хусусан, М.Усмоналиев қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тўғрисида ўз фикрини билдирган бўлиб, унга кўра, ижтимоий муносабатлар хавф остида қолган ва бу ижтимоий муносабатни дарҳол ҳимоя қилиш зарурати келиб чиққан бўлса, ҳар бир фуқарога хавфни бартараф қилиш орқали ижтимоий муносабатни ҳимоя қилиш бурчи юклатилади ва муайян шахс ёки бошқа хавф манбаи томонидан ижтимоий муносабатга моддий ёки жисмоний зарар етказиш хавфи вужудга келтирилганда ушбу хавфни бартараф қилиши жараёнида шахсга ёки бошқа бир ижтимоий муносабатга зарар етказилиши мумкин. Бироқ бу етказилган моддий ёки жисмоний зарар Ўзбекистон Республикаси ЖК Маҳсул қисмининг бирор моддасида назарда тутилмаган жиноятга формал жиҳатдан ўхшасада, аммо ижтимоий хавфли ҳисобланмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди[3].

Олимнинг ушбу назарий қарашини ўринли бўлиб, ижтимоий муносабатга зарар етказиш хавфи вужудга келганда, бундай хавфни бартараф қилиш жараёнида шахсга ёки ижтимоий муносабатга зарар етказиш фақат жиноят ҳисобланмай, балки ижтимоий фойдали, жамият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳамдир. Чунки бундай зарар давлат, жамоат ёки фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тажовузчига нисбатан хавф манбаини бартараф қилиш мақсадида қўлланилади.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар хусусида яна бир ҳуқуқшунос олимнинг фикрини ҳавола қиладиган бўлсак, М.Ҳ.Рустамбаевнинг фикрича, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар қонунга зид ҳисобланмайди, чунки айнан шу ҳолатлар давлат ва мулк эгасига ўз мулкини тасарруф этиш ва ўзини ҳамда мулкини турли тажовузлардан ҳимоя қилиш имконини беради[4]. Албатта, олимнинг фикри ўринли саналиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг қонунчилик тизимига киритилишининг моҳияти ҳам айнан шунда.

Р.Кабулов ҳам бу хусусда ўз фикрини берган бўлиб, олим: “Инсон айрим ҳолларда ташқи томондан у ёки бу жиноятга ўхшаш ҳаракатлар содир этиши мумкин, аммо бу зарарли оқибат келтириб чиқарувчи ҳаракатларни у зарар етказиши аниқ бўлган хавф-хатарни бартараф этиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг олдини олиш учун, бундай қилмиш содир этган шахсни ушлаш, буйруқни ёки ўз мажбуриятларини бажариш вақтида, шунингдек, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликка йўл қўйиш орқали йўл қўйиши мумкин. Қонунда белгиланган аниқ шартларга риоя қилиб зарар етказилган бўлса, бу каби ҳаракатлар жиноят сифатида кўриб чиқилмайди”[5], деб таъкидлайди.

Шунингдек, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тўғрисида бир қанча чет эл ҳуқуқшунос олимлари ҳам тадқиқот ишларини олиб борган ва бу хусусдаги

назарий қарашларини баён қилган. Хусусан, рус олими, юридик фанлари номзоди А.В.Никуленко ўз диссертация ишида ушбу ҳолатларни кенг таҳлил қилган бўлиб, унинг фикрича, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар муайян вазият оқибатида юз берувчи қилмиш бўлиб, унинг натижасида хавф вужудга келмайди, аксинча хавф бартараф этилади. Айни шунинг учун ҳам бундай қилмишлар учун жазо тайинлаш ноўрин саналади[6]. Албатта, ушбу олимнинг ҳам ҳуқуқий қарашлари асосли бўлиб, бундай қилмишлар бошқа бир қилмиш натижасида юзага келади, яъни бошқа ижтимоий хавфли қилмишнинг олдини олиш, муайян топшириқни бажариш ёки асосли таваккал қилиш заруратидан келиб чиқиб чиқади.

Л.Н.Смирнова ҳам бу хусусда ўз мақоласида илмий қарашларини келтириб ўтган бўлиб, унга кўра, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг мавжудлиги, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминловчи кафолатлардан саналади[7].

Шунингдек, Р.Р.Шакуров ва Ю.В.Голикларнинг ҳам бу тўғрисида ўз қарашлари бўлиб, унга кўра ўз ҳаракатларини қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларда содир этган шахсларни рағбатлантириш усулини қўллаш ҳақидаги бир қанча таклифлар бериб ўтган[8].

Ю.В.Баулин ҳам бу тўғрисида ўз фикрини берган бўлиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар қаторига жабрланувчининг розилиги, спорт билан шуғулланиш, ота-она ҳукмининг ўтказилиши, хизмат бурчини бажариш, тиббий аралашувни ва инсон соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказиш билан боғлиқ айрим бошқа ҳолатларни киритиш ҳақидаги таклифларни бериб ўтган[9].

Қилмишни жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар кейинчалик жамиятдаги ўзгаришлар, содир қилинган қилмишлар ва уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тўғри баҳолаш, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қаратилиши натижасида қонунга ўзгартиришлар киритила бориб, бу ҳолатларнинг сони яна бир қанчага ошиб борган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турлари нафақат аниқ белгилаб қўйилиши ва уларнинг сони ошиши оқибатида, бу ҳолатлар билан боғлиқ тушунмовчилик ва тортишувлар барҳам топди ҳамда ушбу Кодекснинг 35-моддаси биринчи қисмида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси биринчи марта берилди. Унга кўра “Қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жихатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади”, деб белгиб қўйилди.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг бундай таърифи катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни “жиноят” тушунчаси билан боғлайди. Бунда қонун жиноят ва ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган, аммо аслида бундай қилмиш мазмунан бўлмаган ҳолатларни ўзаро таққослаш орқали ушбу ҳолатларни изоҳлаб беради. Хусусан шу ўринда жиноят тушунчаси тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 14-моддасига биноан жиноят кодекси билан таъқиқланган, айбли ижтимоий ҳавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят, ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб ҳисобланади ва бирор ижтимоий ҳавфли қилмишнинг жиноят бўлиши учун маълум белгиларни ўзида намоён қилиши керак бўлади ҳамда ушбу қилмишда ушбу белгилар: жиноят объекти, жиноятнинг объектив томони, жиноят субъекти, жиноятнинг субъектив томони мавжуд бўлиши лозим. Башарти ижтимоий қилмиш таркибида ушбу белгилар мавжуд бўлмаса, бу қилмиш жиноят ҳисобланмайди ва тегишли жазо ва жавобгарликка тортишни истисно қилади. Яъни, шахсга жазо ва жавобгарлик белгилаш учун унинг қилмишида жиноят элеменлари бўлиши бундай ҳолатларнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Бироқ бу норма қатъий бўлмасдан, баъзи ҳолатларда шахс содир қилган ижтимоий ҳавфли қилмишида жиноят таркиби бўлсада, унинг жиноят эканлигини ва жазо тайинлашни истисно қилиши мумкин. Яъни айрим ҳолларда бундай қилмишлар ижтимоий хавфли бўлмасдан, балки ижтимоий

фойдали бўлиши ҳам мумкин ва бундай қилмишлар жиноят қонунчилигида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар саналиб, қуйида бу ҳақда батафсилроқ тушунтириб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Ушбу ҳолатларнинг қонунда белгиланиши учун уларнинг муайян белгиларга эга бўлиши лозимлиги шарт деб белгилаб қўйилган бўлиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг барчаси учун бу тушунча умумий саналади ва қилмиш: ғайриқонуний бўлмаслиги; ижтимоий хавфли бўлмаслиги; қилмишда шахснинг айби бўлмаслиги керак.

Бунда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб топиш учун ана шу белгиларнинг барчаси бир вақтда бўлиши талаб қилинмайди. Яъни ушбу белгилардан бирининг мавжудлиги етарли ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 35-моддасининг 2-қисмида қуйидаги ҳолатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб кўрсатилган;

1. Кам аҳамиятли қилмишлар (ЖК 36-модда);
2. Зарурий мудофаа (ЖК 37-модда);
3. Охирги зарурат (ЖК 38-модда);
4. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш (ЖК 39-модда);
5. Буйрукни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш (ЖК 40-модда);
6. Касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик (ЖК 41-модда);
7. Жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш[10] (ЖК 41¹-модда).

Бу ҳолатларни мустақил гуруҳларга ажратиш уларнинг ягона юридик табиати ва вазифалари билан узвий боғлиб бўлиб, ҳуқуқий муносабат субъектларининг ташқи томондан жиноят сифатида кўринган ижтимоий фойдали ҳаракатларини тартибга солиб туради.

Ушбу санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, уларни содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан қай тартибда қўллаш уларнинг зарурий белгиларидан келиб чиқиб белгиланади.

Масалан, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлардан бири бу зарурий мудофаа бўлиб, зарурий мудофаа деб – шахс ўзига, бошқа шахсга ёки жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган қонунга хилоф тажовузларни тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилган ҳаракатига айтилади.

Зарурий мудофаа ҳуқуқи фуқароларга жиноятчиликка қарши мустақил курашиш, бунда ҳатто ҳужум қилган шахсга куч ишлатишдан ҳам қайтмаслик учун кенг имконият яратади. Қонуннинг бундай имконият бериши фуқароларнинг нафақат ўзини ҳимоя қилиши, балки жиноятчиликнинг олдини олиш воситаларидан бири ҳисобланади.

Зарурий мудофаа ҳуқуқи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи (агар қонун доирасида бўлса) саналиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралаштиришдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга»[11], деб белгилаб қўйилган. Яъни давлат ушбу норма билан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимояланишини кафолатлаган ҳолда, уларнинг зарур ҳолларда ўзини ҳимоя қилиш учун давлат органларидан ёрдам олишга имконияти бўлмаган ҳолларда фуқароларга ўзини фаол ҳимоя қилиш имконини беради ва айни шу сабабдан ҳам ушбу ҳолат қонунчилик тизимига алоҳида норма сифатида киритилган.

Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 37-моддасида (ушбу модданинг бешинчи банди чиқариб ташланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКга алоҳида норма сифатида киритилди) [12] белгилаб қўйилган бўлиб, унган кўра: Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди. Бунда Қонун мазмунига кўра, зарурий мудофаа фаол ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Қонунда белгиланишига кўра, бошқа шахсларга

ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда (масалан, қочиб кетиш орқали) қутилиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, зарурий мудофаа актини қўллаш мудофааланувчига тегишли ҳуқуқдир. Ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, зарурий мудофаа актини қўлламаган кишининг ҳаракатларини жамият ҳам, кишилар ҳам маъқулламайди. Аммо зарурий мудофаа актини қўлламаганлик учун жавобгарлик белгиланмаган ва белгилаш ҳам мумкин эмас, бизнингча. Чунки зарурий мудофаа актини қўллаш мудофааланувчининг ҳаёти ёки соғлигини жиддий хавф остига қолдириб таваккал қилиш билан боғлиқ бўлиб, фаол ҳаракатлар билан тажовузни бартараф қилишга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459 сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни[18] билан Жиноят кодексига 41¹-моддаси яъни, қилмишнинг жиноийлигини истисино қилувчи ҳолатларнинг алоҳида бир тури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 21¹-модда сифатида жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш алоҳида норма сифатида киритилди. Ваҳоланки, Қонунга ўзгартириш киритилгунга қадар бундай турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик масаласи Кодекснинг 19-моддаси (Охирги зарурат) билан тартибга солиб келинган [13-17].

Хулоса қиладиган бўлсак, қилмишнинг жиноийлигини истисино қилувчи ҳолатлар давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиб, бундай ҳолатларнинг Жиноят кодексига қатъий белгилаб қўйилиши қонунда адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг мавжудлигидан дарак беради.

Бироқ қонун нормасида инсон ҳуқуқ манфаатларини таъминлашга доир бир қанча шартларни киритиш, ўйлаймизки, юқоридаги каби тамойилларнинг мазмунини янада мустаҳкамлайди. Шу сабабли, тадқиқотимиз натижаси сифатида, Жиноят кодексининг баъзи бир моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича ўз таклифларимизни билдирмоқчимиз. Хусусан, Жиноят кодексининг Умумий қисмига қилмишни жиноийлигини истисино этувчи ҳолат сифатида “Жиноятга ундаш”, деган яна бир турини киритишни ва уни қўйидагича ифодалашни таклиф қиламиз:

41²-модда. Жиноятга ундаш (провокация).

Тезкор-қидирув фаолияти давомида ушбу фаолиятни амалга ошириш касбий бурчи саналган шахсларнинг ижтимоий хавfli қилмишни содир этиб келаётган ёхуд шундай қилмишнинг содир қилишга тайёргарлик кўраётган шахсларни ушлашни ташкиллаштиришга ундаш жараёнида давлат ва жамият манфаатларига етказилган зарар даражаси, олди олинган ёки олди олинishi мумкин бўлган ижтимоий хавfli қилмиш етказиши мумкин бўлган зарарга нисбатан кам миқдорни ташкил қилса, жиноят деб топилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисми қодалари ижтимоий ҳавfli қилмиш содир қилиб келаётган ёхуд шундай қилмишни содир этишга тайёргарлик кўраётган шахсларни ушлашни ташкиллаштиришга фаол ёрдам берган шахслар(фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари)га нисбатан ҳам амал қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 of February 7, 2017 "On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70.)

2. Б.Марғиноний. Хидоя (комментарии мусульманского право). – Москва: Волтерс Клувер.,2010. – Б. 224. (B. Marquionoy. Hidoya (commentaries of Muslim law). - Moscow: Walters Kluver., 2010. - P. 224)
3. М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010. – Б. 321. (M.Usmonaliev. Criminal law. General section. Textbook. - Tashkent: “Yangi asr avlodi”, 2010. - P. 321)
4. Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 1. Jinoyat haqida ta’limot. Darslik. 2-nashr, to‘ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 378 bet.; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т.1. –Т., 2010. – Б. 366. (Rustambayev M.X. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. Volume 1. The doctrine of crime. Textbook. 2nd edition, supplemented and revised - T.: Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. – P. 378; Rustamboev M.X. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. General section. T.1. –Т., 2010. - P. 366.)
5. Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Ички ишлар вазирлиги Академияси. – Т.: 2012. – Б. 411. (Team of authors. Criminal law. General section. Textbook. Academy of the Ministry of Internal Affairs. - T.: 2012. - P. 411)
6. Нукеленко А.В. Обстоятельства, исключающие преступность деяния: концептуальные основы уголовно-правовой регламентации. Афтореферат диссертации. – Санкт-Петербург., 2019. – Б. 7. (Nukelenko A.V. Circumstances excluding criminality of an act: conceptual foundations of criminal legal regulation. Abstract of the thesis. - St. Petersburg :, 2019 .-P. 7)
7. Смирнова Л.Н. Обстоятельства, исключающие пресипуностьдеяния,по законодательству некоторых западно-европских государств. Статя. УДК 343.2. – М.: “Право”, 17.01.2010. (Smirnova L.N. Circumstances precluding the offense of an act, according to the legislation of some Western European states. Article. UDC 343.2. - М.: "Law", 17.01.2010)
8. Шакуров Р.Р. Понятие уголовно-правовых поощрительных правоотношений // Ички ишлар органларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш. – Т.: 2001. – Б.137-139.; Голик Ю.В. Воплощение метода поощрения в нормах уголовного права // Актуальные вопросы государства и права на современном этапе: Материалы конференции. – Томск., 1982. – Б. 143. (Shakurov R.R. The concept of criminal-legal incentive legal relations // Improving the activities of law enforcement agencies to ensure public safety and fight crime. - Т.: 2001. - B.137-139; Yu.V. Golik The embodiment of the method of encouragement in the norms of criminal law // Topical issues of state and law at the present stage: Materials of the conference. - Tomsk :, 1982. -- B. 143)
9. Баулин Ю.В. Обстоятельства, исключающие преступность деяния. Афтореферат диссертации. М.: 2015. – Б. 42. (Baulin Yu.V. Circumstances precluding the criminality of the act. Autoref. of the disser.. М.: 2015 .-P. 42)
10. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий баъзаси, 10.01.2018., 03/18/459/0536-сон. 2-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-459 of January 9, 2018 // National Database of Legislation, January 10, 2018, No. 03/18/459/0536. Article 2)
11. Ўзбекистон Республкаси Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019.// Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълкмотлари миллий баъзаси., 06.03.2019 й., 2-сон, 47-модда. (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: «Uzbekistan», 2019.// National database of the legislation of the Republic of Uzbekistan., 06.03.2019, No. 2, Article 47)
12. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига асосан киритилган. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий баъзаси, 10.01.2018., 03/18/459/0536-сон. 2-модда. (Introduced in accordance with the Law of the Republic of

- Uzbekistan dated January 9, 2018 No. ZRU-459. // National Database of Legislation, 10.01.2018., No. 03/18/459/0536. Article 2)
13. Salaev, N. (2020) "Paradigm of forming a liberal penitentiary system – origins, trends and prospects," Review of law sciences: Vol. 4 : Iss. 1 , Article 19. DOI: 10.24412/2181-1148-2020-4-1-18 Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol4/iss1/19
 14. Khamidov N. CRIMINAL-LEGAL ASPECTS OF THE DRUG ABUSE IN SOME COUNTRIES AND IMPOSED APPROACHES AGAINST IT //International Journal of Legal Studies (IJOLS). – 2018. – №. 4 (2). – С. 177-182.
 15. Salaev N., Khamidov N. Qualification Of Smuggling: Uzbek Legislation And Foreign Experience //Ipkogretim Online. – 2021. – Т. 20. – №. 3. – С. 1661-1667.
 16. Хамидов Нурмухаммад. "ПОНЯТИЕ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ УСТАНОВЛЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НИХ" Review of law sciences, vol. 5, no. Спецвыпуск, 2020, pp. 118-127. (Khamidov Nurmukhammad. "The concept of transnational crimes and the social necessity of establishing responsibility for them" Review of law sciences, vol. 5, no. Special issue, 2020, pp. 118-127) doi:10.24412/2181-919X-2020-118-127
 17. Salaev, N. (2017) "Differentiation, individualization, execution of criminal punishments and its goals: way to success," Review of law sciences: Vol. 1 : Iss. 1 , Article 25. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss1/25
 18. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий баъзаси, 10.01.2018., 03/18/459/0536-сон. 2-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-459 of January 9, 2018 // National Database of Legislation, January 10, 2018, No. 03/18/459/0536. Article 2)

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ
6 ЖИЛД, 9 СОН**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ
ТОМ 6, НОМЕР 9**

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH
VOLUME 6, ISSUE 9**

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000